



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 8-dekabr, payshanba • № 50 (750) • 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватан-дошлар!

Қадри дўстлар!
Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидаги кутлуғ сана — мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустақкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинганнинг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Авваламбор, мана шу муҳташам залда тўпчанган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиш менга улкан маннуният бағишлайди.

Том маънодаги тарихий бу сани ҳар сафар байрам қилар эканмиз, Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз.

Иккинчидан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва ман-

фаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустақкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Учинчидан. Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарт бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизини яратди.

Тўртинчидан. Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги қафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустақкамлади.

Бешинчидан. Миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама йўғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Олтинчидан. Конституциямиз миллий, кўпукладли иқтисодиётимиз асосларини мустақкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай қасод-

га учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

Еттинчидан. Асосий Қонунимиз миллий хавфсизлик ва муҳофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституциямизда муҳрлаб кўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. **Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат куриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини куриб берди.**

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, **биз танлаган тарихий тараққиёт йўли, биз учун номақбул бўлган, "шок терапияси" деб аталган ислоҳотларни асоссиз равишда тезлаштиришнинг турли шаклларида воз кечганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта.** Уйлайманки, орадан йиллар, неча ўн йиллар ўтади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

(Давми 2-3 бетларда.)



ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндalари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳоқими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар Конституциямиздаги тамойиллар ва қоидаларнинг амалдаги ифодаси эканини алоҳида таъкидлади. Биз танлаган йўл — бугун халқаро ҳамжамият томонидан тан олин-

ган тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янги мазмун бағишлаган ислоҳотлар Конституциямиз қоидаларига тўла мосдир.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма йиллигини кенг нишонладик. Халқимиз истиқлол йилларида эришаётган бетимсол ютуқларда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида

белгиланган тамойиллар мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Бош қомусимиз ўзининг мазмун-моҳияти билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик ва тотувликни таъминлаш каби юксак мақсадларга эришишнинг муҳим қафолатидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Маъруза дастур асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитни яратиш, жамиятимизда хусусий мулк аҳамиятини тубдан ошириш, иқтисодиётда давлатнинг аралашувини камайитиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар бажарилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим қафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайитиришда маъруза соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани бунга мисолдир.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2012 йили мамлакатимизда **"Мустақкам оила йили"** деб эълон қилишни тақлиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақлифи йиғилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎЗА

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов 7 декабрь кuni Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ юртимиз тараққиётга қатта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустақкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётда алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь кuni ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди. — Конституциямиз байрами арафасида ўз фидокорона ва ибратли меҳнати билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаб, шу мукофотларни топшириш мен учун қатта шарафдир, — деди Ислам Каримов. — Бугун сизларни самимий кутлар эканман, сизнинг тимсолингизда

Ватанимизнинг тараққиёти ва равнақи, куч-қудратини ошириш, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтириш, тинчлик-осойишталикни сақлаш ва мустақкамлаш йўлида, бир сўз билан айтганда, кўп қиррали ҳаётимизнинг турли тармоқларида ўзининг ҳалол ва самарали меҳнати билан ўрнатилган келаётган, истеъдоди, илмий ва ижодий фаолияти билан мамлакатимизда ном қозонган давлат мукофотлари билан тақдирланган барча ва-

тандошларимизни ҳам бой-бона бағримга босиб муборакбод этгандай ўзимни хис қиламан. Бу мукофотларнинг сиз, азиз юртдошларимизга Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик кутлуғ тўйи кенг нишонланган йилда топшириладиганининг ўзи бугунги меҳнати билан ўрнатилган келаётган, истеъдоди, илмий ва ижодий фаолияти билан мамлакатимизнинг охириги йилларда юксак суръатлар ва дадил қадамлар билан

ўз олдига турган эзгу мақсадларга етиш, яъни ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш бериш йўлида, инсон ҳаёти ва келажаги учун энг муҳим бўлган ижтимоий соҳаларда, хусусан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишларда қўлга киритаётган натижалари бошқалар учун модель, ўзбекона қилиб айтганда,

намуна сифатида тан олинган ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бундай эътироф миллати, тили, динидан қатъи назар, ўзини шу муқаддас заминнинг фарзанди деб биладиган ҳар бир кишига қатта гуруҳ ва ифтихор бағишлайди, албатта. Бунинг замирида, бунинг негизида аввало халқимизнинг мардлиги, қатъият ва шижоати, меҳнати ва матонатга ётганини барчамиз чуқур англаймиз ва яхши тушунамиз.

3»

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Бошланғич 1-бетда)

Биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Утган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни, ялпи ички маҳсулотимиз ҳамжамини, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақ янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгариштириш иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объекти ва турар-жой кенг майдонлари барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига — 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлаётганимиз, ҳеч кимни, авваламбор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдираётган муаммоларга қарамайдан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмагани бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Утган йиллар давомида Ўзбекистонимиз юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва марралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга бутун халқимизга фахру гурур бағишлаш табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланидиган эркин иқтисодиётга асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат қилиш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда хурмат-эътибор қозongan жамиятни шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисmini босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозоридан рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамолдими.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга махлиё бўлмасдан, ҳаволалинига берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни ҳушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Ўйлаётганимиз, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлисимиз — Парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз

жорий ва узоқ истиқболда ўз олдига қўётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало конституциявий ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини амалда жорий этишни назарда тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислохотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз албатта яхши англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмунини билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлмиш — мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига қўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларимизни ўзидә муҳассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидадан ўтган яққо ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз зарур.

Азиз ватандошлар! Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси — Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган олижаноб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун ҳаёт мазмуни ва амалий интилишларга айланиб боришини истардим.

Соддароқ қилиб айтганда, соҳаватли Ўзбекистон заминидә яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар авваламбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандларини учун, шу юртининг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб этиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, онги, тафаккури, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз яхши англаб олганга ишонманам. Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари тарафидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин шуни ҳам тан олиш керакики, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самарадорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиқлолнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли

ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аввало, собиқ совет ҳудудида эски мустабид тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгида кечаги совет даврини қўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлмиш собиқ Иттифоқнинг пароканда бўлишини табиий-қонуний ва мантикий ҳол деб баҳоламаслик, бунинг сабабини авваламбор бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларининг ноқобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага ургу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифаларини, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва боғжона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсадан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни, интеграциялашув жараёнларини кўзлаб, шу мақсадда турли давлатларо бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича сўз юритганда, айтиш керакики, бундай бирлашмалар вақти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши ва бундай ҳолат бирлашма аъзоларининг бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналишидир.

Биз учун гоят муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.

Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қўлай инвестицион климини ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узоқ мuddатли ва ишончли имтиёз ҳақда преференциялар беришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун кимнингдир руҳсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юртдошларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчиман: тарихни асло орқага қайтариб бўлмайди. Бизнинг халқимиз, кейинги йигирма йил давомида воғая етган нақвирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги келажагимизга катта ишонч билан қарамоқда ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен тақдор айтаман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Хурматли дўстлар! Бундан роппа-росса бир йил олдин Конституция қўнига бағишланган мажлисда мамлакатимизда оdatга айланган анъанани давом эттириб, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъқул топганимизнинг асосий сабаб ва омиллари ҳақида жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор.

Ўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат қуриш, халқимизнинг

ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққий топаётган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисmidир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад, принцип ва қоидаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилгани барчамизга маълум.

Бундай сиёсатни, чўқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини таркибидә ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолининг катта қисmini қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга ургу бериб айтмоқчиман — иш билан банд аҳолиимизнинг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва халқро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, кўзга кўринган қўлғини экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай сиёсатнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозоридә рақобат гоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шарафсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақ бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолиимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартираф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириб ортиқча, деб ўйламан.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажагимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гаплашиб олишни ўринли, деб биламан.

Ҳаммамиз тушунамизки, йил якуни билан бу йўналишда қабул қилган дастуриимизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган давлат идоралари, ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофлигина ҳулоса чиқариш вақти келади, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг руҳсатингиз билан бу масаланинг фақат икки йўналишига эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблайман. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётининг суръат ва самарадорлигини янада ошириш

мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қўлайликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишни янги босқичга кўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар туфайли эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатида олинган пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик мuddати 2 йилдан 3 йилга узайтирилган, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллики таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги янадан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш керакики, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли руҳсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу мuddат ривожланган давлатлардаги маъмул шартларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикма-эшик юришга бутунлай бэрхам берилиб, “битта дарча” таъмоили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айни мuddао бўлмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржаларида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмини ташкил этгани, зарур хомашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошагани ана шундай тадбирлар натижасидир. Яна шуни қайд этиш лозимки, айни шу механизм тадбиркорлик этганимиз туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда хунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдоридә кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисминдан кўпроги замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани айнаикса эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдоридә маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Шу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларида ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни авваламбор соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат

қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири — бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 миңдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, тақрор айтаман, Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидәги улуши ҳозирги вақтда — шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман — 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлаётганимиз, кўп нарсани англатади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётда, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдевориға айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун асосий ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратётган, фаровон ҳаёт сари қадам қўётган инсонлар айни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйлаётганимиз, барчангиз бу фикрга қўшилисиз.

Шу борада яна бир муҳим ҳулоса. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва танчанга айланиб бораётган, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз уйи, ўз мулкни ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама англаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжихатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий хурматини билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашнинг ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар! Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад — бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақиға хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор қуч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар қўлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 3-бетда)

ЖАРАЁН

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давом, бошланғич 1-2-бетларда)

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-хунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажагини аниқлаб, оила қуришни истади.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инobatта олган ҳолда, сизларнинг руҳсатингиз билан, кириб келаётган янги — 2012 йилга юртимизда **“Мустаҳкам оила йили”** деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўгини деб қабул қилишимиз за-

мирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор, Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айна шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиши, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилатганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваломбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, ҳолисона тан олишимиз даркор — ана шундай саяё-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, каерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини қўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазибаларни муваффақиятли адо этиш биринчи навбатда давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилигимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизга аён бўлиши даркор.

Учинчидан, “мустаҳкам оила” деган гоёнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини қўришда, ҳеч

шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқийсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла — халқ виждони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

Ўйлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Тўртинчидан, оилани янада мустаҳкамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдида турган вазибаларни ҳар томонлама амалга ошириш — авваломбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаш-

тириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкни ҳеч қолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, **оила кўргонининг ҳам чиройи, ҳам чароғони бўлган аёл эитининг**, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазибаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга муғлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи гоёларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий толган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлиғини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса би-

лан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан — бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлари бўладими — ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазибалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазибаларни қўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мурраккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин, биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан тақрор айтаман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга албатта етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлсин.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Бошланғич 1-бетда)

Шулар ҳақида сўз юритганда омилкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидойилиги, саннат қорхоналари ва қурилиш майдонларида тер тўкиб ишлаётган ишчи-муҳандисларимизнинг машаққатли меҳнати, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида фаолият кўрсатаётган юртдошларимизнинг сидқидилдан қилган хизматлари, тинчлигимиз посбони бўлган жасур ҳарбийларимизнинг матонати учун ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ислам Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Ҳар қандай мукофот авваломбор инсоннинг қадрини улуғлаш, унинг эл-юрт олдидаги муносиб хизматларини тақдирлаш демакдир. Тақдирлаш сўзининг негизда аввало қадр деган маъно мужассам экани бежиз эмас, — деди Президентимиз Ислам Каримов. — Мен ҳозир сизларнинг юзқизингизга, чеҳрангизга боқиб, мустақиллигимизнинг энг улуг мақсади ҳам аслида инсон қадрини эъзозлаш, меҳнаткаш, олижаноб халқимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдан иборат эканини ва бугун ана шундай ёруғ, эркин ва озод ҳаёт кечириш барчамизга насиб этганини чексиз шукроналик ва мамнуният билан яна бир бор таъкидлашни истардим.

Менинг ниятим, менинг тилагим битта — кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар ҳаммангизга буюрсин, ҳаёт йўлларингизда сизларга янги-янги куч-ғайрат бахш этсин.

ЎЗА

Республика онкология илмий марказининг болалар бўлими тубдан таъмирланди. Фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлар, тиббиёт муассасалари вакиллари, шифокорлар, журналистлар иштирок этди.



✓ Карор ва ижро

Болалар саломатлиги доимий эътиборда

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Иқромов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини босқич-ма-босқич ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш,

халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу йўналишда белги-ланган вазибаларни ҳаётга татбиқ этишда “Меҳр нури” жамғармаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу жамғарма тиббиёт, таълим ва бошқа ижтимоий иншоотларни таъмирлаш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, саховат ва меҳрмуруват кўрсатиш борасида кўплаб дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Республика онкология илмий марказининг бола-



лар бўлими ҳам ушбу жамғарманинг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳаси доирасида реконструкция қилинди. Икки қаватли, эллик ўринга мўлжалланган бинада санитария-гигиена талабларини таъминлаш, жаҳон андозалари даражасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш

учун барча шароитлар яратилган. Унинг таркибиде жаррохлик, интенсив терапия ва реанимация бўлимлари мавжуд. Бу ерда барча хоналар болаларга мос мебель ва жиҳозлар билан таъминланган, уйин ва ўқув хоналари ташкил этилган. Олти нафар малакали врач ва ўн нафардан зиёд ҳамшира болаларга тиббий хизмат кўрсатади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

Суратларда: Республика онкология илмий марказининг болалар бўлими; шифокор Фарҳод Ҳайтов (чапдан) ҳамширалар Сайёра Бобоева, Ирода Алиева, Умида Юсуфхўжаева ва Гулзира Сапарова билан.

Асқар ЕҚУБОВ (ЎЗА) олган суратлар

Журналистика соҳасида «ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ»

республика танлови давом этмоқда

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ўртасида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли сана — Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Республикаси Қурулди Қуралининг йигирма йиллигига бағишланган «Ватан азиз, жасорат мангу» республика танловини эълон қилади.

Танлов «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деган туйғун юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига синдиришга қаратилган бўлиши керак. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қурулди Қуралининг салоҳиятини мустақамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маънавий шaroитлар яратиш, офицер ва сержант қадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳалларимиз дахисизлигини, осмонимиз мусоффолигини, эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама ёритилган бўлиши лозим.

«Ватан азиз, жасорат мангу» танлови оммавий ахборот воситаларининг кўйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:
• босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-2,3-ўрин);
• тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-2,3-ўрин);
• радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-2,3-ўрин);
• интернет нашрларидаги материаллар (1-2,3-ўрин).

Танлов ғолиблари кўйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

- 1 - ўрин ғолиблари — ноутбук;
- 2 - ўрин ғолиблари — компьютер тўплами;
- 3 - ўрин ғолиблари — замонавий рақамли телевизор.

Танловни ўтказишда иштирок этган ҳамкор ташкилотлардан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзининг рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, соҳалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, мустақил ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга 2011 йил давомида газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2011 йилнинг 20 декабрига қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар **Ватан ҳимоячилари кўни** байрами арафасида тантанали равишда топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга кўйидаги ҳужжатлар ягона қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Ижодий ишлар «Ватан азиз, жасорат мангу» танловига деб кўрсатилган ҳолда кўйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий қўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87
WWW.Journalist.uz

Парламент веб-сайти — тезкор ахборот манбаи

Интернетнинг ахборот оламида тутган ўрни ва аҳамиятини сўз билан ифодалаш мушкул. У қисқа вақт ичида шаклланди ва шиддат билан бутун дунёни забт этди. Жамиятнинг энг уйғок қатлами бўлмиш журналистларнинг ҳам биринчилар қаторида интернетнинг улкан имкониятларидан фойдалана бошлаши онлайн журналистиканинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Эътиборли томони, интернет журналистикаси Ўзбекистонга айна мустақиллик йилларида кириб келди, оммалашди, тараққий топди. Бу жараён ўз-ўзидан амалга ошмади, албатта. Чунки ахборот коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш вазифасини давлат сиёсати даражасига кўтармай туриб, замон билан ҳамнафаслини тасаввур қилиб бўлмасди. Бу борадаги ишларнинг ривож топишида давлатнинг раҳбарининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, бирин-кетин ҳаётга татбиқ этилган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунлар, айниқса, алоҳида аҳамият касб этди.

Хозир интернет тараққиёти нафақат журналистика соҳасида, балки жамиятнинг барча соҳаларида янгича кўринишларда намойён бўлмоқда. Айни вақтда кўлаб ташкилотлар ва муассасаларнинг самарали фаолият юритаётган, аҳолини тезкор ва ишончли маълумотлар билан таъминлаётган веб-

сайтлари фикримизнинг амалий тасдиғидир.

Маълумки, ҳозирги пайтда «ЎЗ» миллий домени ҳудудда рўйхатга олинган интернет-ресурслар сони 6000 тадан ошди. Шу ўринда миллий доменинг давлат ташкилотларининг давлат бошқарув органлари бўлими алоҳида аҳамиятга эга, десак, янгилимаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти — www.parliament.gov.uz ўзининг бош саҳифа кўриниши, замонавий дизайни, маълумотлар базаси билан бошқалардан яққол ажралиб туради. Ундан ўрин олган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги ахборотлар архиви ҳамда қўйи палата фаолияти ҳақидаги зарур маълумотлар фойдаланувчилар талабига тўла жавоб бера олади. Веб-сайтга ташриф буюрган фойдаланувчи бош саҳифа орқали Конституция, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Қонунчилик палатаси иш режаси каби бўлимлардан ўрин олган маълумотлар билан танишиш имкониятига эга. Шунингдек, Парламент тарихи, Қонунчилик палатаси таркиби, Тадбирлар,



Қонунчилик фаолияти, Қабул қилинган қонунлар, Назорат-таҳлил фаолияти, Халқор фаолият, Ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, Матбуот хизмати, Онлайн экскурсия ва фотопортаж каби бўлимларга ҳам энг долзарб материаллар мунтазам жойлаштириб борилади. Бир сўз билан айтганда, веб-сайтни маълум маънода парламентнинг PR вазифасини бажарувчи электрон ахборот манбаи, дейиш мумкин.

Шу йилнинг сентябрь ойидан www.parliament.gov.uz ўзининг янги версияси иш бошлади. Мазмунан янгича кўриниш касб этган веб-сайт ўқувчи сиёсий онгини ошириш билан бирга, сайтдан фойдаланиш имкониятини ҳам янада кенгайтирди. Бунга «Ўзбекистон Республикаси Қонунлари» номи бўлим фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу бўлимдан 1990 йилдан бугунги кун-

га қадар қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ўзбек ва рус тилларидаги вариантлари жой олган.

Шу билан бирга, веб-сайтда аудитория билан интерактив алоқа йўлга қўйилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Веб-саҳифалар орқали ҳар бир фуқаро ўз ҳудудидан сайланган депутатнинг сиёсий фаолияти, илмий ва ижодий изланишлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш билан бирга, онлайн алоқа хизмати орқали Парламент фаолияти юзасидан ўзини қизиқтирган саволларни жўнаштириш ва белгиланган муддатда жавоб олиши ҳам мумкин. Бу қулайликлар сайт истеъмолчилари сони тобора ошиб боришига хизмат қилмоқда. Айни пайтда сайтга кирувчилар кўнига ўртача 500 нафарни ташкил этмоқда.

www.parliament.gov.uz нинг «Матбуот хизмати» бўлими ҳам ўзидан журналистлар учун етарлича имкониятларни муҷассам-

лаштирган. У орқали аккредитация тартиби, аккредитация қилинган журналистлар ҳақидаги маълумотлардан ташқари, Парламентда ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар анониси билан танишиш мумкин. Веб-сайт янада жонли бўлиши учун унда аудитория гуруҳига тааллуқли бошқа қизиқarli янгиликлар, маълумотлар, қидирув тизими ҳам мавжуд.

Президентимиз Ислам Каримов ўтган йили Парламент палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бошқа бир қатор қонун лойиҳалари қатори «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги тўғрисида»ги ва «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши зарурлигини таъкиф этган эди. Уларнинг кучга кириши соҳа тараққиётини янги босқичга кўтаришига шубҳа йўқ.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлат ташкилотлари фаолияти ҳақидаги ахборотларни жамоатчиликка ўз вақтида етказишда, албатта, веб-сайтларнинг ўрни ва аҳамияти беқийёс. Шу маънода парламентнинг шаффофлиги ва қабул қилинаётган Қонунларнинг мазмун-моҳиятини оммага тарғиб қилишда Парламентнинг расмий веб-сайти энг тезкор, энг ишончли ахборот манбаидир, десак му- болога бўлмайди.

Дилрабо ЖУМАТОВА,
ЎзДЖТУ Халқор журналистика факультети тадқиқотчиси

Касб одоб

Журналистика жамият кўзгуси бўлса, журналистларни мамлакатнинг кийфасига зەб берувчи заргарлар, десак ҳам бўлмайди. Бу борада ушбу яратувчиларнинг имижини, муҳим аҳамиятга эга. «Имиж» сўзи инглизчадан олинган бўлиб, «киёфа» деган маънони англатади. Қайси соҳада бўлишидан қатъи назар имижга нисбатан эътиборлилик иш самарадорлигини оширади. Журналист имижини бевосита ОАВ турларига кўра фарқланади: босма ОАВ журналистикаси имижини, тележурналист имижини, радиожурналист имижини...

Журналист имижини

Журналист имижини ўз-ўзи-дан унинг ёзган материалларида намойён бўлади. Газетада чоп этилган мақолага қараб муаллифнинг профессионал маҳоратини баҳолаш мумкин. Шунга қўра, ҳар қайси журналист ўзининг ёзиш услубини яратишга ҳаракат қилади. Уқувчини айтмоқчи бўлган гапига қизиқтира олиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришда услуб муҳим вазифасини бажаради. Мисол тариқасида бирор мавзу доирасида қалам тебратган бир нечта ижодкорнинг маҳсулига эътибор қаратайлик. Албатта, уларда мазмун бирлиги бўлса-да, шаклу шомолий ранг-баранглигига гувоҳ бўламиз. Кимдир айтадики, фикрнинг биринчи планга олиб қисқа, яна кимдир бирор ибратли мисол келтириш билан мақола-ни бошлаб, асосий ракурсни ўртага жойлайди, кимдир эса хулосага эрк беради. Босма матбуот журналисти имижини бевосита газета реитингига ҳам таъсир қилади.

Радиожурналист имижини эфирда айтаётган гаплар, интонация ҳамда овоз ва шовқиларнинг сифати орқали белги-ланади. Радиожурналистик талаблари — адабий тил қоида-

ларида риоя қилиш, эфирни тўғри ташкил қила олиш, импровизацияларга тайёр туриш ва ҳоказоларга жавоб бера оладиган бошловчи ўз имижини яратишда касбий мажбуриятлардан ташқари яна қатор жиҳатларга аҳамият қаратиши лозим бўлади. Масалан, индивидуал эксклюзив дастурлар тайёрлаш, олиб бориш жараёнида ўзини яхши тут биллиш, табиийлик ва самимиликка эътибор қаратиш, овоз темплари устида ишлаш каби-лар радиожурналист имижини шакллантирувчи омиллар ҳисобланади.

Тележурналист имижини камрови жиҳатидан кенгрок тўшуна бўлиб, унга аудиовизуаллик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талаблар қўйилади. Сўнгги йилларда тележурналистларимиз ўз имижлари устида сезиларли даражада ишлаётганлари кўрсатувлардаги чиқишларида намойён бўлмоқда. Лекин айрим тележурналистлар имиж деганда фақатгина ташқи кўринишга эътибор беришни тўшунади. Аслида, тележурналист имижини касбий билимлардан хабардорлик даражаси, сўзла-шуш маданияти, этика талаб-лари риоя этиши, юз мимикаси, актёрлик маҳорати, кийиниш одобини ва ҳоказолар ташкил

қилади. Телебошловчининг кўрсатув мавзуси, гоёсига монанд имижга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Дейлик, жиддий мунозара асосига қуриладиган кўрсатув учун қувноқ қиёфа, болалар кўрсатувларида чиқиш қилишда ноўрин танланган кийимлар ёхуд омма кайфиятига ёмон таъсир қилувчи тўшкун кўриниш қабиладар журналист мақомига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар-дир.


Бугунги кунда журналистларимиз орасида ҳам шахсий имижга эга бўлганлари талайгина. Матбуотчиларимиздан Ш.Жабборов, Ҳ.Саидов, Г.Умарова, радиобошловчиларимиздан Н.Ниёзов, тележурналистларимиздан С.Турсунова, С.Турдиев, М.Қамоловаларни бунга мисол қилиб келтирсак арзийди. Барча журналистлар касбий жараёнда ҳам, ишдан ташқарида ҳам ўз имижларига монанд ҳаракат қилсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки улар пировад натижада мамлакат қиёфасига зەб берадиган сўз заргарларидир.

Қамола АЛИБЕКОВА

Фотожурналистика

«Биз — бунёдкор халқимиз»

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Ўзбекистон Бадий академияси, Қасаба уюшмаси федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Биз — бунёдкор халқимиз» мавзудаги энг яхши фотоасарлар танлови якунига бағишланган кўرғазма бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда мамлакатимиз Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мажкур кўрғазмада малакатимизда фаолият кўрсатаётган иштирдан зиёд фотожурналистлар ўзларининг энг сара асарлари билан иштирок этди.



Кўрғазманинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА бош директори М.Ҳазраткулов, Қасаба уюшмаси федерацияси Кенгаши раиси Т.Норбоева, Маданият ва спорт ишлари вазирини Т.Қўзиёв ва бошқалар сўнгги йилларда мамлакатимизда маданиятнинг барча йўналишлари қатори фотожурналистиканинг мазмун-моҳияти билан ушбу услублар кузатилаётгани, шунингдек, санъатнинг ноёб соҳаларидан бўлган фотожурналистиканинг бугунги кунда самарали иш юритиши учун етарлича шарт-шароитлар яратиш берилаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Мустақиллик йилларида барча соҳада қўлга киритилган муваффақиятлар — халқимизнинг осойишта ва фаровон ҳаёти, юксак бунёдкорлик, яратувчанлик салоҳияти, кадр топаётган бебаҳо маънавий меросимизнинг мазмун-моҳияти билан жамоатчилигимизни ҳамда хорижликларни ҳолис ва ҳаққоний таништиришда фото санъатининг ўрни беқийёс. Мазкур кўрғазма нафақат ушбу жиҳатларни, балки айни пайтда замонавий фотожурналистиканинг сўнгги ютуқларини ўзида муҷассам этгани билан ҳам аҳамиятга эришди.

«Биз — бунёдкор халқимиз» мавзудаги фотоасарлар танловини ташкил этишдан асосий мақсад — мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг қўламини ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга суратлар мисолида кенг ва изчил етказиш ва фотожурналистлар меҳнатини янада рағбатлантириш кўзда тутилганди. Айтишимиз мумкинки, кўрғазмага қўйилган фотосуратлар ўзининг ранг-баранглиги, бадий ифодаси билан тадбир иштирокчиларида қатта таассурот қолдирди. Танлов сўнггида ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Отабек ОТАЁРОВ



А.АБДУЛАЕВ (ЎЗА) оған суратлар

Тадбир

Амалиёт — матбуот билан ҳамқадм, ҳуқуқ билан ҳамнафас

Хеч бир соҳа ривожини назария ва амалиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг муштараклиги ва ўзаро уйғунлиги тараққиётнинг янги даражасини забт этиш имкониятини яратади. Шу маънода журналистика факультетлари ва тахририятлар ўртасидаги алоқаларин янада мустақамлаш, бўлажак журналистларнинг амалиётга кўпроқ жалб қилиш, шунингдек, уларда ҳуқуқий соҳага оид билим ва кўникмаларини шакллантириш жўлаям бўламиз. Турли ўқув муассасаларида, хусусан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ҳамда Ўзбекистон Миллий университетларида Бош Комиссия қабул қилинганга 19 йил ўтди муносабати билан ўтказилган давра суҳбати ва анжуманлар ушбу масалалар рўйиба бағишланди.

Хусусан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ўтказилган давра суҳбатида таълим даргоҳи ректори А.Исмоилов, факультет декани А.Нурматов, ўқитувчилар Ҳ.Дўстмуҳаммадов, Н.Жўраев ҳамда тадбирда иштирок этган бир қатор газеталар бош муҳаррирлари сўз олиб, бугунги талабалар эртага етук публицистлар бўлиб етишишларида амалиёт беназир аҳамиятга эгаллиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар. Тадбир доирасида аниқанга мувофиқ бир гуруҳ талабалар ОАВнинг эсдаллик совғалари билан тақдирланишди.

Адли вазирлиги матбуот хизмати ходимлари ва марказий газеталар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида ташкил этилган тадбир ҳам ҳуқуқ соҳасининг матбуотда ёритилиши, бу борадаги ютуқлар ва камчиликлар масалаларига бағишланди. Шунингдек, журналистика факультети талабаларини амалиётга янада кенгрок жалб этиш, уларга имкониятлар яратиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

— Бугунги кунда ишларимиз яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишлари зарур, — деди УМУ журналистика факультети декани Насимжон Раҳмонов. — Бунинг учун, аввало, улар ўз ҳуқуқларини билишлари талаб этилади. Шундангина улар жамиятда унрайдиган турли қонунбузарликларга қарши кураша олади.

Ижодий учрашувлар давомида республика нашрларининг бош муҳаррирлари, устоз журналистлар соҳада ҳуқуқий саводхонлик ҳам муҳим эканлигига тўхталиб, талабалар билан ўз ҳаётий тажрибаларини ўртоқлашди. Қизиқarli савол-жавоблар ва ўзига хос маҳорат машғулотлари талабаларга бирдек манзур бўлди.

Маймунба ЕҲУБОВА,
Давронбек ОРИПОВ

«Мен ҳамisha келажакда тарихчилар биз ҳақимизда нималар, деб ёзишни тез-тез ўйлаб қолар. Менимча, замонамиз эркаклар ҳақида ёзганда: «Улар ҳамма нарсага қизиқувчан ва газета ўқирдилар», деган бир жумла билан кифоялансалар керак».


Альбер КАМЮ,
Франсуа ёзувчиси, 1956 й.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ЕРНИНГ ЭГИЗАГИ ТОПИЛДИ

Чет эл оммавий ахборот воситалари америкалик олимлар Ерга ўхшаш янги сайёрани кашф этишгани ҳақида хабар тарқатди. Сайёра уни излаб топилганда кўл келган «Кеплер-22b» телескопи номи билан аталди.




Ерга қараганда икки ярим баробар катта бўлган мазкур сайёра ўз Күёшига эга экан. Шу сабабли ундаги ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича ўртача 22° ҳароратни ташкил этади. Олимлар ушбу сайёрада сув ҳам бор деб тахмин қилишмоқда. Агар тусмол тасдиқланса, у ерда ҳаёт борлиги ўз исботини топади. Шу пайтгача яққою ёлғиз ҳаёт бор маскан деб саналган Ернинг бу эгизагини текшириб тахминларга амин бўлиш жуда мураккаб иш. Сабаби «қўшниларимиз»нинг сайёрасигача бўлган масофа 600 ёруғлик йилига тенг, деб таъкидланмоқда.

Бундан аввал ҳам астрономлар Ерга ўхшаш 54 та сайёрани кашф қилишган, ammo улар ўз юлдузига нисбатан тезроқ айланиши ва юзаси ўта иссиқлиги сабаб инсон яшashi учун хавфли саналган. Шу боис кашфиётлар олимларга қутилганидек шуҳрат келтирмаган эди.

ҲАР УЧИНЧИ БОЛАНИНГ КИТОБИ ЙЎҚ

Буёқ Британиядаги ҳар учинчи бола биронта ҳам китобга эга эмас. Мамлакатнинг миллий саводхонлик фонди 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган 18 минг нафар бола ўртасида сўров ўтказиб, ана шундай хулосага келган.




Фонд бундан 7 йил муқаддам ўтказган сўровномада 8 минг нафар бола қатнашган, ўшанда бу кўрсаткич болаларнинг ўндан бирига тўғри келган эди. Бу гал ўғил болаларга нисбатан қизларда китоб кўпроқ борлиги, дарслиқдан ташқари шахсий китобига эга бўлган ўқувчилар аъло баҳоларга ўқини исботланди. Шунингдек, сўровномада 19 фоиз ўспиринларга ҳеч қачон китоб совға қилинмаган, уларнинг 12 фоизи шу кунгача китоб дўконига қирмаган, 7 фоизи эса кутубхонада умуман бўлмагани аниқланди.

Британия миллий саводхонлик фонди ёшлар ўртасида китобхонлик кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида янги йил арасида «Адабиёт совғаси» хайрия акциясини ташкил этмоқчи. Унга кўра, жойларда ўтказиладиган байрамолди тадбирларда ўспирин ёшларга совға сифатида китоблар тақдим этилади.

ЧОРАСИЗ ЧОРАЛАР

«Agence France Presse» нашрининг маълумот беришича, Италиянинг янги бош вазири Марио Монти давлат қарзларини қисқартиришга қаратилган ҳукумат режасини оқлаш мақсадида ўз маошини олишдан бош тортиди.


Монти «Биз муаммоларни ҳал қилиш йўлида италияликларни фидойилликка чорлар эканмиз, ойлик маошимдан воз кечиш энг тўғри иш деб ҳисоблайман», дея таъкидлади. Шу билан бирга, Бош вазир ҳозир Евроҳудудда энг юқори кўрсаткич — 1,9 триллион еврога етган давлат қарзларини жиловлашга ваъда берди.



Бюджет харажатларини 30 миллиард еврога қисқартириш режасига солиқни ошириш ва нафақа ёшини кўтариш каби масалалар киритилди. Авваллари италияликлар 60 ёшда нафақага чиқишган бўлса, энди бу кўрсаткич 66 ёшга кўтарилди. Бундан ташқари, ҳукумат ортиқча дабадабага мойил молмулк, кўшимча ер-жой ҳамда даромад учун солиқ жорий этишни режалаштирмоқда.

БОМБА ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛДИ

Германиянинг Коблинц шаҳридан топилган йирик авиабомба мутахассислар томонидан зарарсизлантирилди. Бу жараён уч соат давом этди.



Бомба аниқланган ҳудуддан 2 километр радиусда жойлашган уйларда яшовчи аҳоли эвакуация қилинди. Шифохона ва қариялар уйидаги беморлар, қамоқхона маҳбуслари, жами бўлиб 45 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Операция чоғида Коблинцдаги вокзалларда поездлар ўтхати учун руҳсат берилмади, шаҳарга олиб борувчи асосий автомобиль йўллари тўсиб қўйилди.

Мутахассислар Рейн дарёси сатхи पासигани туфайли ҳали портлаб улгурмаган яна бир нечта снаряд топиллиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

Маълум бўлишича, Коблинцга 1943-1945 йилларда 250 та ана шундай йирик авиабомба ташланган.

ПАНДАЛАР ИЖАРАГА БЕРИЛДИ

«Reuters» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Хитой ҳукумати Шотландияга 10 йил муддатга иккита катта панда айғини ижарага берди. Эрак ва ургочи айиқлар Хитойнинг Ченду шаҳридан Эдинбург аэропортига самолёт орқали ётказилди.



Узаро шартномага асосан Эдинбург хайвонот боғи Хитойга пандалар учун ҳар йили 600 минг фунт стерлинг тўлайди. Пандалар 10 йил ичида насл қолдирган тақдирда, Хитой ўздан кўпайган пандаларни қайтариб олиш шартини қўйган. Мутахассислар Шотландияда оқ-қора айиқлар кўпайиш эҳтимоли катталигини таъкидлашмоқда.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

«La Repubblica» газетаси

СТРЕСС ҲАМ ВИРУС КАБИДИР

Журналист Сара Фикончеллининг мақоласида гап «пассив стресс», яъни қаттиқ ҳаяжонга берилиш ёки кучли руҳий зарба ҳақида кетади. Унда айтилишича, бундай руҳий ҳолат, айниқса, аёллар учун жуда зарарлидир.



«Раҳбарингиз ишхонага одатдагидан кўра бошқароқ — қандайдир жаҳлинома кайфиятда кириб келди, қалбингизни беихтиёр шубҳа, гулгула ва ҳаяжон чулғаб олади. Бунинг устига кечқурун уйга келиб, хуштаъм таом истаб дастурхон атрофида ўтирганингизда турмуш ўртоғингиз ишдаги муаммолари ҳақида гап бошласа, бунга чидаш мумкинми? Шундай ҳоллар юз берса, сизни руҳий зарба ишғол этган бўлади. У сизнинг танангизга рўпарангиздаги кишидан худди шамоллаш каби жуда тез юқади. Атрофингиздаги одамларнинг турли муаммолардан ҳадеб нолийвериши кайфиятингизга таъсир этади ва ўз-ўзидан асабларингиз чарчайди, руҳиятингизда нохушлик сеза бошлайсиз», деб ёзилади мақолада.

Мақолада олимлар стресс ҳам грипп инфекциялари сингари ўз тарқатувчиларига эга эканлиги айтилади. Эътиборлиси, у, айниқса, аёллар учун жуда хавфли. Чунки улар ҳиссийта жуда тез берилувчан, ўта таъсирчан бўладилар. Муаммо шундаки, руҳий зўриқишга учрайверадиган кишилар, хусусан, аёллар бора-бора жамиятнинг мутлақ оқибат иштирокчиларига айланиб қолиши мумкин. Ҳозирча бу касаллик мавжуд, ammo унга даъво топилганча йўқ.

«Чемпионат.com» сайти

ХИТОЙ МАТБУОТИНИНГ ИСТАГИ

Хитойнинг «Xinhua» ахборот агентлиги футбол бўйича 10 декабрь куни бўлиб ўтадиган Мадриднинг «Реал» ва Каталониянинг «Барселона» клублари учрашув вақтидан қоникмаётганини маълум қилди.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Мавлонов кўчаси 37-уйда жойлашган «BIO VAK FARM» масъулияти чекланган жамият тугатилди. Даъво ва эътирозлар шу йил 31 декабрда қабул қилинади.

Маълумки, «Эл-классико» деб номланган ушбу ўйин Европа вақти билан қоқ тушда ўтказилиши режалаштирилган. Бу вақтда эса Хитой сарҳадлари оқшом оғушида бўлади.



«Барселона» клуби президенти Сандро Россель ўз фикрини ўзгартирганича йўқ. У учрашув вақтини фақат Хитой телеаудиторияси учунгина мўлжаллаш маъқул эмаслигини билдирган.

Озарбойжон ОАВ

ҚОРАБОҒ МУАММОСИ

Мамлакатнинг етакчи нашрлари, хусусан, ҳафтада 5 мартаба чоп этиладиган ижтимоий-сиёсий йўналишдаги «Эхо» мустақил газетаси саҳифаларида озарбойжонликларнинг Швеция парламентида муҳокама қилинган Қорабоғ муаммосига салбий муносабати баён этилган. Матбуот таҳлилида айтилишича, бу муаммо оддий фуқаролар учун кўпгина қийинчиликлар туғдириш билан бирга, кундан-кунга худудда қочқорлар ва бошпанасиз аҳоли вакиллари кўпайишига сабаб бўлмоқда.



Шунингдек, ҳафта бошида чоп этилган бошқа матбуот нашрларида 1 декабрдан 2 декабрга ўтар кечаси Каспий денгизида ер ости силкинишлари рўй берганлиги тўғрисидаги хабарларга кўзингиз тушиши мумкин. Бу ҳақда республиканинг сейсмология маркази расмий хабар тарқатган. Зилзала маҳаллий вақт билан 01:00 да рўй бериб, унинг кучи 3,1 баллга тенг бўлган. Табиий офат ўчоғи воқеа жойидан 82 километр шимолдй-шарқий узоқликда жойлашган.

Улугбек АСРОПОВ тайёрлади.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Шу кунларда республикада «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ ўтказиладиган ушбу ойлик тадбир доирасида жойларда соҳа ходимлари томонидан турли тадбирлар ташкил қилиниб, аҳоли орасида кенг қамровли тарғибот ишлари олиб бориланти. Зеро, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билган, уларга риоя қилган киши ўзи ва атрофидати одамларнинг ҳаёти ҳамда хавфсизлигини таъминлаган бўлади.

ҲАММА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСА...

Пойтахтимиз аҳолиси ва кўп минг сонли меҳмонлари учун тонгдан тун ярмига қадар беиннат хизмат қиладиган Тошкент метрополитени бекатлари ва объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Белгиланган режа асосида учрашувлар, суҳбатлар уюштирилипти. Назорат текширувлар мунтазам ўтказилмоқда. Нафақат метрополитени ходимлари, балки йўловчилар ҳам ёнғин хавфсизлиги учун масъул эканлиги, барча объектлар бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши ва улардан фойдаланиш қонунқоидалари ҳақида тушунчалар бериланти.

Маълумки, эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан ёнғин содир бўлганда, ёнғин хонадон ёки корхона бинолари, у ердаги моддий бойликлар ёниб қулга айланиши мумкин. Ачинарли томони шундаки, аксарият ёнғинлар фуқароларнинг лоқайдлиги туфайли келиб чиқади. Яъни газ ёки электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, ёш болаларни қаровсиз қолдириш, умуман, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ёмон оқибатларга олиб келади. Шунинг учун бунга ҳеч ким бепарқ қарамаслиги шарт. Ана шунда нафақат ўзимиз, балки яқинларимиз, халқимиз ҳаёти ва мол-мулкни асрашга катта ҳисса қўшган бўламиз.

НАЗОРАТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Халқ ва давлат мулкни асраб-авайлаш, турли тажовуз ва офатлардан ҳимоя этиш — ҳар бир фуқаронинг бурчи. Шунингдек, оила аъзоларимиз ҳаёти ва турар жойларни ёнғиндан сақлаш ҳам хавфсиз-




ХОНАДОНЛАРДА ЁНҒИНИНГ ОЛДИНИ ОЛНИШ МАҚСАДИДА ҚУЙИДАГЫЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ ТАЪБИҚИЙ ЭТАММ: ЯНГИ ВА ҚУШИМЧА ИМОРАЛАР ҚУРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИХАЛАРНИ МАХСУС НАЗОРАТ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН КЕЛИШТИРИЛГАН ҚОЛДА БАЖАРИШ КЕРАК.

лиқнинг ажралмас бир бўлагидир.

Баъзан фуқаролар арзимасдай бўлиб туялган хато оқибатда тузатиб бўлмас офатларга дуч келишади. Оддий бир мисол: электр мосламаларининг узоқ вақт ёқилган ҳолда қолдирилиши ёнғинга олиб келишини кўпчилик билса-да, бунга амал қилмайди. Ваҳоланки, озроқ эътибор қилиб электр асбоблари ўчирилса, бу электр энергияси тежалишини таъминлаш билан бирга ёнғиннинг олдини олади. Айниқса, ёш болаларни назоратсиз қолдириш кўпична ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади.

Яна бир фикр. Кейинги пайтда, айниқса пойтахтимизда ёнғин содир бўлганида ёнғин ўчириш машиналари белгиланган жойга етиб бориш ва офатни тезда бартараф этишда қийинчиликлар туғилмоқда. Чунки Ёнғин ўчириш автомобиллари йўлининг тўсиб қўйилиши, турли ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Республикаимиз бўйлаб ўтказиладиган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этиш орқали бу каби кўнгилсизликларнинг олди олинади. **Файзулла САЙДУЛЛАЕВ,** Тошкент шаҳридаги 12-ХЕҲО катта инспектори

01 ЁНҒИН ҲАҚИДА КЎНГИРОҚ КИЛИНГ



ОГОҲЛИК — ЗАРУРИЯТ

Юртимизда ўтказиладиган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг энг муҳим шартларидан бири огоҳликдир. Зотан, кундалик турмуш тарзини ҳар бир ишда огоҳ бўлсак ва бошқаларни ҳам шунга ундасак, кўзланган натижага эришилади. Ойлик бошланганидан буён пойтахтимизнинг барча туманларида, маҳалла, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида учрашувлар ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ ва унинг қуйи тизимлари томонидан ўтган вақт ичида 543 дан ортиқ учрашув бўлиб ўтди. Уларда 14 мингдан ортиқ фуқаролар иштирок этди. Корхона ва муассасаларда ёнғин хавфсизлиги чорловчи 679 дан ортиқ хавфсизлик бурчаклари ташкил этилди. Радиога 144 дан зиёд эшитириш, телевидениеда 11 та кўрсатув тайёрланди, босма оммавий ахборот воситаларида 73 марта мақолалар чоп этилди. Ана шу чиқишлар орқали зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Бу ерда гап сонда эмас. Энг асосийси, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини тўғри ташкил этишда, деб ўйлаймиз. Шундангина огоҳлик нечоғли катта зарурат эканлигини ҳамма бирдек англаб етати.

Авазхон КАМЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ ЕЎШ бошлиғининг ўринбосари, капитан

БЕПАРВОЛИК — ЭНГ КАТТА ХАТО

Дунёда ҳеч бир иш бирор сабабсиз юз бермайди. Шу жумладан ёнғинлар ҳам. Тахлиллар шунини кўрсатадики, кўп ҳолларда бу каби офатлар лоқайдлик, эҳтиётсизлик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ёки ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари кўрсатмаларини назар-писанд қилмаслик оқибатида рўй берганлиги аён бўлади.

Ёнғинни «тилсиз ёв» деб беҳиз таърифлашмаган. Чунки у йилнинг ҳар қандай фас-

лида, фавқуллода инсон ҳаётига, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатдир. Бепарволик оқибатида юзага келадиган кўнгилсизликлар шундан далolat бермоқда. Жорий йилнинг 10 ойи мобайнида Ҳамза туманида 133 та ёнғин содир бўлган. Энг ёмони, ушбу офат натижасида 6 нафар фуқаро турли даражада куйиш тан жароҳатини олган. 1 нафар фуқаро эса ҳаётдан кўз юмган. Ёнғинларнинг 46 таси шахсий аҳоли турар жойларида, 24 таси эса кўп қаватли турар жой биноларида содир бўлган.

Ёнғинлар таҳлили унга дахлдор идоралар, газ таъминоти, электр тармоқлари, ёнғинга қарши курашиш жамияти ходимларининг ҳамкорлигидаги фаолияти тизимига эҳтиёж борлигини кўрсатади. Бинобарин, уларнинг самарали ҳамкорлиги бу соҳада муҳим ўрин тутати.

Айдос БОЙИРБЕКОВ, Ҳамза ИИБ ЕХБ инспектори, кичик сержант

ТИЛСИЗ ЁВДАН АСРАСИН!

Ҳаётимизни электр энергияси, иссиқлик тармоғисиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, киши кунларида уларга эҳтиёж икки баробар ортади. Табиийки, бу фуқаролардан доим хушёр ва сергак бўлишни талаб қилади. Чунки арзимас хато ёхуд бепарволик туфайли, яъни электр тармоқларидан келиб чиқадиган қисқа туташувлар, биргина учун натижасида катта ёнғин ўқолари юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғин халқ ҳўжалигига катта зарар келтириш билан бир қаторда, ундан ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли газлар атмосферани ифлослантиради. Инсон соғлиғига хавф туғдиради. Энг аянчлиси, юзага келадиган нохуш ҳолатлар оқибатида баъзан одамлар ҳалок бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳоҳ уйда, ҳоҳ ишхонада, умуман қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир киши ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши зарур.

Шу кунларда аҳоли турар жойлари, корхона ва ташиқлотларда тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолига эътибор қаратилаёпти. Мазкур тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низоми, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад халқ мулкни ва инсон саломатлигини асрашдан иборат. Шу боис, каттаю кичик, ёшү кекса бу ишда албатта масъулиятни ҳис этмоғи лозим. Зеро, халқимиз таъбири билан айтганда, тилсиз ёвдан — оловдан асрасин.

Убайдулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳридаги 12-ХЕҲО инспектори



АВТОМАШИНА КИРИШ ИУЛИНИ ТУСИБ **ҚЎЙМАНГ!**

B

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ жамоаси

барча юрtdошларимизни, касбдошларини
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 19 йиллиги

билан самимий муқоабасвод этади.

Юртимизда тинчлик-осойишталик,

миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик

одимо барқарор бўлиб, оилаларни эзгулик,
шодлик, шукроналик ва меҳр-оқибат туйғулари

асло тарқ этмаслигини тилайди.



**«Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари»
очик акциядорлик жамияти жамоаси**

юрtdошларимизни
**8 декабрь –
Конституция куни –**
умумхалқ байрами билан қутлайди.
Тобора чирой очиб, гуллаб-яшнаётган
юртимиз равақли йўлида
амалга оширилаётган ишларда
омад, куч-қувват тилайди.
Сарҳадларимиз дахлсиз,
осмонимиз доимо мусоффо бўлсин!



Газетанинг навбатдаги сони 21 декабрь, chorshanba куни чиқади.

Жаҳон тасвирий санъати тарихида мусаввирлар томонидан яратилган ҳар бир асарда гўзаллик, нафосат, эзгулик ва меҳр-муҳаббат уйғунлигини ва беғубор туйғулар тимсолини кўраемиз. Хусусан, бугунги кунга қадар портрет санъатининг энг ноёб намунаси бўлган Леонардо да Винчининг «Мона Лиза» («Жаконда») асари гўзаллик тимсоли саналса, беназир истисно соҳиб Рафаэл Санти номи абадийликка муҳраган «Сикстин Мадоннаси» картинаси онанинг фарзандга бўлган чексиз муҳаббатини тараннум этади. Голландиялик машҳур рассом Рембрандт ижодига мансуб «Адашган ўғилнинг қайтиши» асарини эса фақатгина инсонга хос бўлган қайғуриш ва кечиримлик каби туйғуларнинг мукамал ифодаси, дейиш мумкин.

Бугунги кунда немис Уйғонинг даври санъатининг асосчиси буюк рассом, машҳур ўймакор наққош, меъмор санъат назарийчиси, тилшунос қалами ўткир адиб Альбрехт Дюрерни (1471-1528) билмаганлар кам топилади. Германияда биринчи бўлиб рассомликнинг портрет жанрига асос солган мусаввирнинг юзлаб дурдона асарлари, ёғоч ва мис юзасига ўйиб ишлаган ноёб гравюра намуналари дунёнинг энг машҳур музейларидан ўрин олган. Унинг ана шундай ижод намуналаридан бири — «Кўллар» асари ҳам мана, беш асрдирки, инсониятни лол қолдириб, санъат ихлосмандлари қалбидан чуқур жой олиб келмоқда. Балки мусаввир картинани яратётган лаҳзаларда илтижога чўзилган бу кўллар тасвири асрларга дахлдор бўлади, деб ўйламагандир. Чунки Дюрер ушбу асарида ранглар мутаносиблигидан ҳам, табиатнинг виқорли манзарасидан ҳам фойдаланмаган. Унда на гўзаллик, на назокат ва на нафосат тасвири берилган. Нега биргина бўёқ ва мўйқалам билан кўк рангли қоғозга ишланган мазкур ижод маҳсули бу қадар машҳур? Бунинг боиси шундаки, «Кўллар» да мусаввир қалбидан энг тубидаги кечинмалар

Бир асар тарихи Бебахона тухфа



ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бунга асарнинг яратилиш тарихи билан танишган ҳар бир киши яна бир бор амин бўлиши шубҳасиз.

XV аср ўрталарида Нюрнберг яқинидаги кичкина қишлоқда яшайдиган Дюрерлар оиласида ўн саккиз фарзанд бўлиб, уларни боқиб учун касби заргар бўлган ота кунига ўн саккиз соат ишлашга мажбур эди. Оғир шароитда кун кечираётган оилада болаларнинг икитаси рассом бўлишни хоҳлар ва бу истаклари ўлароқ шахарга бориб тахсил олишни орзу қиларди. Бироқ ота ҳеч бўлмаганда битта ўғилни шахардаги Санъат академиясида ўқитиш учун етарли маблагини тўплай олмади. Бунга яқин тушган ака-ука Альбрехт ва Альбрехт узоқ баҳсдан сўнг, ниҳоят, қуръа ташлашга қарор қилишди. Унинг шартига кўра, ютказган қишлоқ яқинидаги қонда ишлаб, ғолибнинг академияда ўқиши учун пул топади. Ютган эса ўқини тугатган, тўрт йил мобайнида ё чизган суратларини сотиб ёки қонда ишлаб, иккинчисининг орасини рўбга чиқаришга ёрдам беради.

Шундай қилиб улар яқинда кун эрталаб черков маросимидан сўнг қуръа ташладилар. Тақдирми ёки омад сабаб, бу ўйинда аканинг қўли баланд келади ва ўқиш учун айнан у шахарга йўл олади.

Келишувга мувофиқ Альбрехт қонда тер тўкиб меҳнат қилди. Хар қандай муҳтожликнинг йўлини тўсиб, акани учун ўйиб-тирилди. Альбрехт ҳам бунга яқини ҳис қилгани ҳолда ўз истис-

нодини тўла намоён этди. Қисқа вақт ичида у Санъат академиясида шухрат қозонди. Рангтавирда ишлаган асарлари орқали гравюра санъатида ҳатто устозларидан ўйиб ҳам кетди. Тахсил ниҳоясига етгач, Альбрехт чизган суратларини каттагина пулга сота бошлади.

У ўз қишлоғига қайтганида Дюрерлар оиласи катта ўғил шарафига зиёфат уюштиради. Мусиқа, ўйин-кулги билан ўтаётган тантанали кечанинг охирида ёш мусаввир ўрнидан туриб қадаҳ сўзи айтади ва орзусига эришиш йўлида ёрдам берган укасига шундай дейди:

— Альбрехт, укажон, навбат сенга! Нюрнбергга ўқишга бориб, ўз орзунини рўбга чиқар. Энди сен ҳақингда мен қайғурман!

Шунда ҳамма Альбрехт ўтирган томонга қарайди. Унинг заъфарон юзини кўз ёши ювиб тушар, бошини қуйи солганча тинимсиз бир сўзни такрорларди: «Йўқ... йўқ... йўқ...».

Ниҳоят, Альбрехт ўрнидан туриб, кўз ёшини артади. Уzun дастурхон атрофидаги меҳмонларга бир-бир назар солгач, қўлини олдинга чўзиб, синик овозда сўз бошлайди:

— Йўқ, ажажон! Минг афсуски, энди мен шахарга ўқишга бора олмайман. Тўрт йил ичида қўлларимнинг синмаган, бармоқларимнинг мажакланмаган жойи қолмади. Энди қўлимга мўйқалам олиш у ёқда турсин, сўзингизга жавоб бергани икки дақиқа ҳам қадаҳини ушлаб туролмайман. Йўқ, ака, ўқиш... мен учун жуда кеч!

Гарчи Альбрехт аянчи тақдир сабаб Альбрехт каби нафис асарлар яратиш бахтидан мосуво қолган бўлса-да, акани унга ҳатто буюклар ҳам орзу қиладиган машҳурликни тақдим этди. Альбрехт укаси келтирган буюк қурбонликни шарафлаб, унинг осмонга кўтарилган ногирон қўлларини расмга солди. Бу ажойиб асарни у оддийгина қилиб «Кўллар» деб номлади. 1508 йили яратилган ушбу машҳур асар мукамал тасвир ва илтижонинг авж нуктасини ўзида муҳасамлаштирган. Дунё аҳлини лол қолдирган ана шу муҳаббат тухфаси кейинчалик «Илтижо» номи билан қайта номланди. Афсуски, бизгача асарнинг фақатгина эскизи етиб келган, холос. Яратилганига беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, улар сурат ва сувенирларда, откритка ва тангаларда дунё бўйлаб сайр қилмоқда.

Шербек ЁДГОРОВ,
Тошкент давлат Шарҳунослик
институтини талабаси

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

ISSN 2010-7528



9 772010 752002 >

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга
олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Индекс: яқка обуначилар ва
ташқилотлар учун — 233

Бош муҳаррир

Ўктам МИРЗАЁРОВ

Тахририят
манзили:

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Тахририятга келган хатларга
ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38,
236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими:
236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:

Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 21⁰⁸

® — тижорат белгиси.

Адади: 5111 Буюртма — Г-1255 1 2 3 4 5